



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ- ТЕХНИКАВИЙ ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИНИ ТИЖОРАТЛАШТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА- ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда илмий ва илмий-техникавий фаолиятни амалга ошириш, илмий-техникавий ва инновацион ривожланишни таъминлаш учун қулай шарт-шароитларни яратишда мажбур молиявий ва моддий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича кенг қўлланма ишлар олиб боришмоқда.

Хусусан, 2014-2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан илмий-амалий ва инновацион лойиҳалар ҳамда ишланмаларни молиялаштириш учун қарийб 800 миллиард сўм ажратилиб, уларнинг натижаларига кўра илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари томонидан 700 дан ортиқ ихтиро патентлаштирилди.

Шу билан бирга, иқтисодиётнинг жадал ривожланиши мамлакат илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий ва илмий-техникавий фаолияти натижаларини тижоратлаштиришда мажбур салоҳиятдан янада тўлиқ фойдаланиш заруратини тақозо этмоқда.

Бироқ, илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларидан амалда фойдаланишнинг тахлили уларни яратиш, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва жорий этиш жараёнида тизимли муаммолар мавжудлигидан далolat бермоқда, хусусан:

Биринчидан, охириги 5 йил ичида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган ва патентланган ихтиролар сонининг йилга 0,5 фоизини ташкил этувчи тижоратлаштириш даражаси етарли эмас;

Иккинчидан, ҳол этилган илмий мақолалар ва яратилган интеллектуал мулк объектлари сони илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари бўлиб қолмоқда, бунда уларни жорий этиш натижалари ҳисобга олинмапти;

Учинчидан, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари уларнинг тасарруфидоги илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий ва илмий-техникавий фаолияти натижалари учун, шунингдек, илмий-техникавий дастурларга давлат маблағлари сарфланишининг самарадорлиги учун лозим даражада масъулиятни намоён этмапти;

Тўртинчидан, илмий тадқиқотларни молиялаштиришининг, шу жумладан, илмий-амалий ва инновацион лойиҳалар ҳамда ишланмалар рўёбга чиқарилишида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари иштирокчини рағбатлантиришнинг самарали воситалари жорий этилмаган;

Бешинчидан, амалдаги стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тизими илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини ишлаб чиқаришга тезкорлик билан жорий этишни таъминламапти.

Маҳаллий илмий-амалий ва инновацион лойиҳалар ҳамда ишланмаларни жадал жорий этишни таъминлаш, мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини кўчатиришда илм-фан ҳиссасини ошириш, шунингдек, илмий ва илмий-техникавий фаолиятнинг истиқболли маҳаллий ютуқларини илгари суришининг самарали механизмларини яратиш мақсадида:

1. Қўйидагилар илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг (кейинги ўринларда муассасалар деб юритилади) илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш соҳасидаги асосий вазифалари этиб ҳисоблансин:

республика иқтисодиётининг рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини жадал ва кенг жорий этиш;

фанлараро алоқаларни, шу жумладан, халқаро фанлараро алоқаларни шакллантириш жараёнида рағбатлантириш, қўшма дастурлар ишлаб чиқиш ва жамоаларни яратиш;

илмий ва илмий-техникавий фаолиятни иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг аниқ вазифаларини ҳал этишга, шунингдек, ички ва ташқи бозорлар эҳтиёжларини қондиришга қаратилган амалий натижаларни олишга йўналтириш;

юқори технологияли ишлаб чиқаришларни яратишга хизмат қиладиган юқори технологияларни ишлаб чиқиш соҳасида инновацион тадқиқотларни олиб бориш;

тадқиқотларни мамлакатни изчил ривожлантириш бўйича замон талабларига жавоб берадиган, тижоратлаштириш даражаси юқори бўлган маҳсулотлар ва технологияларни жадал ишлаб чиқишга йўналтириш.

2. Қўйидагилар илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштиришнинг асосий усуллари этиб белгилансин:

► Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ИШЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республикада ҳар йили аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича тасдиқланган дастурларни амалга ошириш, бўш ва қоталанадиган иш ўринлари ишга жойлаштириш механизмларини такомиллаштириш, ўзини ўзи банд қилишнинг самарали шакллари ривожлантириш борасида таъсирчан чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Аҳолининг ишчанлик фаоллигини ва тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантиришга, ижтимоий заиф қатламлар бандлигини таъминлашга, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш имконияти, сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Шунга қарамай, ҳудудлардаги меҳнат бозорида ҳали-ҳамон юқори даражада кескинлик сақланиб қолмоқда, доимий иш ўринларини ташкил этиш, ёшлар, хотин-қизлар, кам таъминланган оилалар аъзолари бандлигини, айниқса, қишлоқ жойларда таъминлаш, шунингдек, ташқи меҳнат миграцияси жараёнидаги тартибга солиш масалалари ҳал этилмапти.

Ишга жойлаштириш соҳасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун кредит, молиявий, маслаҳат-ахборот бериш хизматлари ва бошқа зарур хизматлар даражаси пастлигича қолмоқда.

Ишлаб чиқариш кадрлари кўпинча иқтисодиёт тармоқларининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини, уларнинг имкониятлари ва ресурсларини ҳисобга олмай ҳолда касбга тайёрланмоқда ва қайта тайёрланмоқда. Оқибатда меҳнат бозорида айрим мутахассислар бўйича малакали кадрлар тақчиллиги кузатишмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижросини, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича давлат

органлари ишлари самарадорлигини ошириш, аҳолини меҳнат фаолиятига жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, янги иш ўринларини ташкил этувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга доир «Йўл харитаси» иловага мувофиқ маъқуллансин.

2. Белгилансинки: Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси (кейинги ўринларда Бандликка кўмаклашиш жамғармаси деб юритилади) учун 2018 йилда Республика бюджетига қўшимча тушувлар ҳисобига 150 миллиард сўм ажратилади, 2019 йилдан бошлаб эса бюджет параметрларида 300 миллиард сўмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча маблағлар ажратиш назарда тутилди;

2018 йил 15 июлдан бошлаб Меҳнат органлари ходимларининг меҳнати рағбатлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Меҳнатни рағбатлантириш жамғармаси) маблағларини шакллантириш манбалари Бандликка кўмаклашиш жамғармасининг Меҳнатни рағбатлантириш жамғармасига ажратмалари ҳажмларининг 5 фоиздан 10 фоизгача оширилиши ҳисобига кенгайтирилади;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларининг бўш қолдиқларини тижорат банкларидаги депозитларга жойлаштиришдан тушадиган 50 фоиз миқдордаги даромадлар

Меҳнатни рағбатлантириш жамғармасига йўналтирилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг давлат муассасалари шаклида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида янги иш ўринлари ташкил этишни рағбатлантириш ҳудудий жамғармаларини (кейинги ўринларда — ҳудудий жамғармалар) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Қўйидагилар ҳудудий жамғармалар маблағларини шакллантирувчи манбалар этиб белгилансин:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджет, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадларининг прогноз параметрларини ошириб бажаришдан ҳар ойда тушадиган 40 фоизгача бўлган миқдордаги даромадлар; маҳаллий, хорижий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари ҳамда бегараз ёрдами;

хайрия қилувчилар — жисмоний ва юридик шахслар, Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларнинг белгиланган тартибда тақдим этиладиган маблағлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа манбалар.

4. Қўйидагилар ҳудудий жамғармаларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

айниқса, қишлоқ жойларда доимий иш ўринлари ташкил этувчи тадбиркорлик субъектларини кредитлар билан қўллаб-қувватлаш учун республиканинг тижорат банкларида кредит линиялари очиш;

► Давоми 2-бетда.

Фарғонада Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода бошчилигидаги ушбу мамлакат делегацияси билан учрашди. Унда икки давлат вазирлик ва идоралари, иқтисодий тузилмалари раҳбарлари иштирок этди.

Учрашувда икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалалари, бўлажак олий даражадаги Ўзбекистон — Тожикистон учрашувига тайёргарликнинг бориши муҳокама қилинди.



Жиззах вилояти Дўстлик тумани Манас қишлоғида яна бир хайрли тадбир амалга оширилди. Қишлоқдаги икки қаватли қаровсиз қолган уй таъмирланиб, эҳтиёжманд 20 оилга совға қилинди.

Манасда «Обод қишлоқ» дастури доирасида 20 хонадонга мўлжалланган икки қаватли 1 ва 2 хонали жами 20 хонадондан иборат уй давлат бюджетини ҳисобидан

реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

Уйни реконструкция қилиш давомида «Кўҳна замин қурилиш» МЧЖ қурувчилари томонидан қуёш батареялари ёрдамида иситиладиган қурилмалар ўрнатилди. Уйнинг ташқи ва ички қўриниши замонавий усулда таъмирланиб, канализация тизимлари тўлиқ янгиланди. Ногиронларга қулайлик яратиш мақсадида махсус зиналар қилинди.

Уйларнинг 12 тасига Манас қишлоғи-

да, 8 тасига туманининг бошқа ҳудудларидан меҳнатга қисман лаёқати бўлган фуқаролар кўчиб кирди.

— Уй қуришга ёки сотиб олишга имкониятимиз йўқлигидан уч фарзандим билан ижарада яшаб келаётган эдик, — дейди манаслик Ил ғуруҳ ногирони Махбуба Самадова. — Ўз уйимизга эга бўлганимиздан кўксимиз тоғдек кўтарилди.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Парламент КОМИССИЯСИ

жамоат ташкилотлари ҳисоботини эшитди

Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат тижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда комиссия аъзолари, вазирлик ва идоралар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидландики, парламент комиссияси томонидан ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жараёни изчил давом этмоқда. Жорий йил 19 июндан 30 июнгача бўлган муддатларда ҳудудларда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун ва Президентимизнинг «Мамлакатни демократик янгиллаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида белгиланган вазифалар ижросини ўрганиш мақсадида тадбирлар ташкил этилди.

Шунингдек, жорий йилда эълон қилинган давлат грантининг 3- ва 4-тановлари мавзуларининг асосий йўналишлари, иштирок этиш талаблари, грант лойиҳаларини тайёрлаш, ҳисоботларни тақдим этиш масалалари юзасидан комиссия аъзолари маҳорат дарслари ўтказди.

Парламент комиссияси йиғилишида ЎЗАОВМнинг 2017 йил якунларига бағишланган ҳисоботи эшитилди. Қайд этилишича, нодавлат телерадиостанцияларда фаолият юритувчи журналист, тасвирчи, монтажчи, реклама менежери ҳамда раҳбар ходимларнинг касбий малакасини ошириш мақсадида маҳаллий ҳамда хориқлик малакали мутахассислар иштирокида семинар-тренинглар ўтказилган. Халқаро ташкилотлар, элчихоналар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, вакиллари иштирокида халқаро тадбирлар ҳамда медиа-фестиваллар ўтказилган. Ижтимоий медиа-маҳсулотлар миллий фестивали, «Озод юрт тўлиқлири», «Журналистлар баҳори — 2017» медиа-фестиваллари ана шулар жумласидан. Йиғилишда Журналистлар ижодий уюшмасининг 2017 йил якунлари бўйича ҳисоботи ҳам эшитилди. Жумладан, ОАВ ходимларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Олтин қалам» XII Миллий мукофоти учун ўтказилган халқаро танловда 530 нафар журналист 9500 дан ортиқ ижодий иши билан қатнашган. Улар орасидан 18 нафари танловда ғолиб ва совриндор бўлган.

Парламент комиссияси аъзолари Ўзбекистон ногиронлар жамиятига ажратилган давлат субсидияси доирасида 2017 йилда бажарилган ишлар бўйича ҳисоботи ҳам кўриб чиқишди. Жамият фаолиятини ривожлантириш бўйича тегишли тавсиявий қарор қабул қилинди.

Йиғилишда бошқа масалалар бўйича ҳам қарорлар қабул қилинди.

ЎЗ мухбири.

«ЎЗБЕКЭНЕРГО» АЖ РАҲБАРИЯТИ ҲАМДА МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ ДИҚҚАТИГА!

ЛИПИЛЛАБ ТУРГАН ЧИРОҚЛАР

**энди соатлаб ўча бошлабди.
Муаммога ечим топиш
кимнинг вазифаси!..**

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани ТТЗ-1 мавзесидан тахририятимизга телефон орқали мурожаат бўлди. «Ўзрбад» маҳалласидаги кўпқаватли 12-уйда яшовчилар номидан кўнғироқ қилган киши хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатида муаммолар кўпайиб кетгани, мурожаатларга жиддий эътибор берилмаётгани, отангга бор, онангга бор қабилида иш тутилаётганини айтиб, шикоят қилди.

Фотомухбир билан манзилга етиб борганимизда ўнлаб одам кўчада бизни кўтиб турарди. Аввало ўзини Наргиза Сахабидинова деб таништирган уй боши билан суҳбатлашдик.

► Давоми 3-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2018 йил 17 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:*)

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

1 АКШ
доллари
7787,81

1 Англия фунт
стерлинги
10304,83

1 Жанубий
Корея вони
6,90

1 Канада
доллари
5918,24

1 Швейцария
франки
7775,37

1 Миср фунти
436,54

1 ЕВРО
9100,06

1 Россия
рубл
124,54

1 Япония
иенаси
69,31

1 Хитой
юани
1164,10

1 БАА дирҳами
2120,40

1 Австралия
доллари
5780,89



ЭНГ ЗҶҲРИ ФРАНЦИЯ, ЭНГ ЖҶШҚИНИ ХОРВАТИЯ

Бир ой давомида футбол мухлисларига олам-олам кувонч ва ҳаяжон ҳаёт этган жаҳон чемпионати якунига етди. Дунёнинг энг кучли терма жамоаси Франция бўлди. Кумуш медални кўлга киритган Хорватия терма жамоаси ёрқин ўйинлари билан мухлислар ёдида қолди. Учинчи ўрин эса Бельгия терма жамоасига насиб этди.

Шунингдек, бир қатор футболчилар ХХI жаҳон чемпионатининг энг яхшилар қаторидан жой олди: Бельгия терма жамоаси лосбони Тибо Куртуа энг яхши дарвозабон сифатида тан олинди. Хорватиялик Лука Модрич жаҳон чемпионатининг «Олтин тўп»га лойиқ кўрилди. Эден Азар кумуш, Антуан Гризманн бронза тўпга эга бўлди. Англия терма жамоаси ҳужумчиси Харри Кейн энг яхши тўпураб бўлди. Энг яхши ёш футболчи соврини Франция терма жамоаси ҳужумчиси Килиан Мбаппега топширилди. Испания терма жамоаси «Фейр Плей», яъни «Ҳалол ўйин» совринига лойиқ кўрилди.

Мутахассислар Россия чемпионатни юксак савияда ўтказганини эътироф этишмоқда. Дарҳақиқат, чемпионат кутилганидан ҳам аъло даражада ташкил этилди. Кейинги жаҳон чемпионати 2022 йили 21 ноябрдан 18 декабргача Қатар майдонларида бўлиб ўтади. Қатардаги жаҳон чемпионатида сўнгги бор 32 терма жамоа қатнашди. Кейинги чемпионатдан бошлаб иштирокчилар сон 48 тага етди.

Биз мамлакатимиз миллий терма жамоасини жаҳон чемпионатида кўришни истаймиз. Ўша кун узоқ эмаслигига ишонгимиз келади.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ:

34 МЕДАЛДАН 16 ТАСИ ОЛТИН



Шри-Ланка давлатининг Васакува шахрида шохмат бўйича мактаб ўқувчилари ўртасидаги 14-Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Қитъа чемпионатида шохматчиларимиз блиц, рапид ва стандарт йўналишларда 16 олтин, 11 кумуш, 7 бронза жами 34 медални кўлга киритди ва умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Чемпионатда ҳамюртларимиздан 13 ёшли Умида Омонова стандарт, рапид ва блиц йўналишларида 3 олтин медални кўлга киритди ва мусобақанинг мутлақ ғолиби бўлди. Мазкур ёш тоифасида Олмос Раҳматуллаев рапидда олтин, стандартда кумуш ҳамда Моҳинур Ҳабибуллаева блицда кумуш медални кўлга киритди.

9 ёшлилар ўртасида Ҳумоюн Бекмуродов стандарт ва рапидда биринчи, блиц йўналишида иккинчи ўринга сазовор бўлди. Афруза Ҳамдамова стандарт ва рапидда олтин, блицда кумуш медал билан тақдирланди. Мухаммадзоҳид Суяров эса блицда бронза медалини кўлга киритди.

11 ёшли Давлатбек Маҳмуджонов стандарт ва блиц йўналишида чемпион бўлди, рапид йўналишида учинчи ўринни эгаллади. Зилола Ақтамова блицда олтин, рапидда кумуш медал билан тақдирланди.

17 ёшли шохматчилар орасида Абдумалик Абдусалимов стандарт йўналишида олтин, рапид ва блицда кумуш медаллар билан тақдирланди. Ситора Сафарова эса стандарт, блиц ва рапид йўналишларида мос равишда олтин, кумуш ҳамда бронза медалини кўлга киритди. Мухаммадали Абдурахмонов блицда биринчи, рапид ва стандартда учинчи ўринга лойиқ кўрилди.

Али Қосимов (15 ёш) стандарт йўналишида Осиё чемпиони бўлди, рапидда эса кумуш медалга сазовор бўлди. 7 ёшлилар орасида Руқия Олимова блицда олтин, стандартда кумуш ҳамда Тоҳир Неъматов блицда кумуш, рапид йўналишида бронза медали совриндори бўлди.

Мазкур галабалар эвазига ёш шохматчиларимиздан 7 нафари 2019 йили Тунис давлатида ўтказиладиган мактаб ўқувчилари ўртасидаги жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритди.

Шаҳбоз САИДОВ

АЛОУДДИН КОСОНИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ТАДҚИҚ ҚИЛИНМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Наманган вилоятида бўлганида, буюк аждодларимиздан бири Алоуддин Косоний номини ёд олган ҳамда унинг маънавий меросини чуқур ўрганиб, халқимизга етказиш бўйича бир гуруҳ олимларга тавсиялар берган эди. Орадан ўтган вақт ичида қандай ишлар қилинди?

Алоуддин Косоний ислом ҳуқуқшуноси, шорех (шахрловчи), муҳаддис (ҳадис илмининг билимдони) ва усулий олим сифатида дунёга машҳур шахс бўлган. Манбаларга кўра, Алоуддин Абу Бакр Косоний Бухоро мадрасасида мударрис Алоуддин Самарқандий қўлида таҳсил олган. Талабалик йилларидаёқ фикҳ илмини чуқур эгаллагани учун у «Малик ул-уламо» (олимлар подшохи) рутбасига эришган. Устози Алоуддин Самарқандийнинг «Тухфату-л-фўқоҳ» асарига шарҳ ёзган.

Алоуддин Косоний илм йўлида турли кентларда бўлган, Рум (Усмонли турк салтанати) диёрининг Конья шаҳрида оиласи билан бир муддат истиқомат қилган. Бу ўлкада ҳам у шарият илмининг билимдони сифатида ном қозонади. Алоуддин Косоний турли мазҳаб вакиллари билан баҳс-мунозараларида иштирок этиб, ўзининг мантикий теран фикрлари билан эътибор қозонган.

— Косоний таҳминан ҳижрий 541 (1146-1148) йилларда Ҳалабга Мовароуннаҳрдан элчи қилиб юборилган. Маълум муддатдан кейин унинг илму заковати эътиқод қўйган Ҳалаб ҳукмдори Нуриддин аз-Зангий Косонийни янги қурилган Ҳалавийя мадрасасига бош мударрис этиб тайинлайди, — дейди **фалсафа**

фанлари доктори, профессор Турсунбой Файзуллаев. — У 587 ҳижрий ражаб ойининг 1-куни (1191 йил 3 август)да Ҳалаб шаҳрида вафот этган. Буюк боқалонимиз шахар ташқарисидаги Мақоми Иброҳим Халил мазорига, аввалроқ дунёдан кўз юмган умр йўлдоши ёнига дафн этилган. Улар дафн этилган қабристон «Эр-хотин қабри» номи билан аталадиган машҳур зиёратгоҳ ҳисобланади.

Алоуддин Косоний ва Фотима бинти Алоуддин ас-Самарқандийдан Маҳмуд исмли фарзанд қолган бўлиб, уни Аюбийлар ҳукмдорларидан Султон аз-Зоир Фозий ўз қарамонига олиб, камолга етказди.

Алоуддин Косонийнинг илмий мероси, китоблари ҳусусида фикр юритадиган бўлсак, у зотининг «Бадои'ус-саноий фи тартиб аш-шаро'и» (Шариат ҳукмларини тартибга солишдаги маҳоратларнинг бади'ялари) номи китоби тилга олинади. Бошқа асарлари тўғрисида маълумотга эга эмасмиз. Лекин ана шу ягона асар ҳам мутахассисларнинг фикрича, муаллифнинг давр кўндода истеъдодидан даража берди. Мазкур асар фикҳ масалаларини ўргатувчи ва шу соҳада амалиёт юритувчилар томонидан ҳозиргача қўлланилиб келинади. Таниқли уламо Шайх Мухаммад Содиқ Мухаммад

Юсуф ушбу асарнинг қиммати ҳақида шундай шарҳ берган: Бу улкан китоб. Ундан ҳамма фойдаланиб келган ва фойдаланадилар ҳам. Иншааллоҳ, китоб муаллифи Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад Косоний (587 ҳижрий йилда вафот этган). У кишининг лақаби «Малик-ул-уламо» бўлган. Асосан Мухаммад ибн Аҳмад ибн Абу Аҳмад Самарқандийда ўқиган...

НамДУ доценти, арабшунос олим Мухаммаджон Юсупов ва катта ўқитувчи Юнусхон Раҳматуллаевларнинг берган маълумотларига қараганда, Алоуддин Абу Бакр Косонийнинг Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги фундаментал кутубхонасида сақланаётган «Бадои'ус-саноий фи тартиб аш-шаро'и» китоби 7 жузъдан (томдан) иборат бўлиб, асар 5 китоб ҳолида Мисрдаги «Матбаа ал-илмия» нашриётида chop этилган.

— Асарда муҳим исломий ақидалар талқини билан бир пайтда ҳаётда учраши мумкин бўлган иқтисодий-ижтимоий, ахлоқий, яъни дунёвий масалаларга ҳам муносабат билдирилган, — дейди **педагогика фанлари номзоди Кодиржон Носиров.** — «Одоб ул қудот» (қозиларнинг ахлоқ ва одоб нормалари), «Сайр», яъни, инсоннинг юриш-туриши ва шу билан боғлиқ ҳолатларга шарҳ берилган.

Кейинги пайтларда Алоуддин Косонийнинг мазкур асарини илмий таҳлил қилиш билан Ўзбекистон Халқаро Ислам Академияси магистранти Сайидхамдон

Файзуллаев шуғулланмоқда. У ўз мақолаларидан бирида Косоний асарининг муқаддима-сидан иқтибос келтиради: «Машойихлар шаръий ҳукмларни тартибга солишга кўп ҳам эътибор қаратмадилар. Бу ишга мендан олдин устозимгина аҳамият берди. Ушбу асарни ёзишдан кўзлаган мақсадим — барча илмларда бўлганидек — талаб қилинган нарсаларга етишишни осонлаштириш. Бу мақсадга шаръий ҳукмларни маҳорат билан тартибга солиш орқали эришилади. Ушбу таърифнинг вазифаси ҳам шаръий масалаларни усталик билан маҳорат эгаларини мамнун қиладиган кўринишда тартиб-лаш ва таҳлил қилишдир».

Алоуддин Косоний тарбияланган оила, ота-онаси, ёшлиги, унда буюк истеъдоднинг шаклланиш жараёнлари, Бухоро мадрасасида ўқиши, Туркия ва Шомда олиб борган фаолияти билан боғлиқ тўлиқ маълумотлар деярли йўқ. Шу билан бирга, комиссия аъзолари, университет олимлари шу кунларда Ўзбекистон Мусулмонлари идораси ҳузуридаги фундаментал кутубхона архивида, Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида сақланаётган Алоуддин Косоний ҳаёти ва фаолиятига доир манбааларни астойдил ўрганмоқдалар.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

«Ўзпахтаёғ» акциядорлик жамиятига қарашли «Когон ёғ-экстракция» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ишчи-ҳодимларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

«Когон ёғ экстракция» АЖ:

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЕНГАЙМОҚДА

— Ўтган йили корхонамизда 100093 тонна техник чигит қайта ишланиб, 19307 тонна рафинацияланмаган ёғ, 17183 тонна рафинацияланган ёғ, 3495 тонна ҳўжалик совуни ишлаб чиқарилиб ва 3,1 миллиард сўм соф фойда олинди, — дейди жамиятнинг стратегик режалаштириш ва иқтисодий таҳлил бўлими мудири Муроджон Шукуров. — Жорий йилнинг биринчи чорагида грануланган озукка ем ишлаб чиқариш цехи ишга туширилиб, қўшимча 12 янги иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш мақсадида ёғни қайта ишлаш учун гидрогенезация ва перестификация линияси олиб келиш лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Мазкур лойиҳа 2018-2019 йилларда амалга оширилиб, натижада корхонамизда 35 нафар кишини иш билан таъминлаш имкониятини беради.

Жорий йилнинг январь-май ойларида корхонада ишлаб чиқарилган ҳўжалик совуни Тожикистон ҳамда Афғонистонга 50 минг АҚШ доллари миқдоридан экспорт қилинди.

Акциядорлик жамиятида ишчи-ҳодимларнинг ижтимоий ҳимоясига, уларнинг маданий-маиший шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Совун ишлаб чиқариш цехи ишчиси Манзура Ҳамроевага Когон туманида қурилаётган кўп қаватли уйлардан 1 хонали уй сотиб олиши учун дастлабки бадални тўлаб бердик, — дейди акциядорлик жамияти қасаба уюшма қўмитаси раиси Шерзод Аллаберганов. — Шунингдек, буғ қозонлар цехи устаси Зафар Темировга тиббий муолажалар олиши учун моддий ёрдам кўрсатилди.

Пенсионер Раифа Камилваннинг уйи том қисм алмаштирилиб, ички қисми таъмирдан чиқарилди. Қурилиш цехи ишчиси Мақсуд Очиловга эса янги уй қуриши учун беш минг дона гишт олиб берилди.

Бундан ташқари, Наврўз байрами тантаналарида 7 нафар ҳодимимизга маиший техникалар совға қилинди.

Эътибор ва рағбатга яраша одамлар ўз иш жойларида филойиллик билан меҳнат қилишаётир.

Ҳа, қарийб 600 кишилик «Когон ёғ-экстракция» акциядорлик жамиятининг жамоаси юқори натижалар учун меҳнат қилишмоқда.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



ИСЛОҲОТЛАР ТАҚДИРИ
ХУДАДАРАДА ҲАЛ БЎЛАДИ

РЕСПУБЛИКА ИШЧИ ГУРУҲИ ХОНАДОНИМИЗГА КЕЛДИ, —

дейди Марҳамат тумани, «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда яшовчи 82 ёшли Шаҳри буви Чўтанова

— Бунакаси бўлмаган, — дейди онахон. — Қандай муаммоларингиз бор, деб сўрашди. Энди халқ раҳбарларнинг идорасига эмас, раҳбарлар халқнинг ҳузурига борапти. Муаммосини сўраб-суриштиряпти. Бу йил томорқада узум мўл. Қаранг, баргидан меваси кўп. Молхонада уч-тўрт туёқ боғлиқ. Меҳнат қилган, кам бўлмайд. Шундай яхши кунларга етказганига шукр.

Республика ишчи гуруҳининг маҳаллага келиши билан ҳаёт ўзани янги томонга ўзгарди. «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинининг «Кўшчинор» кўчасидаги эски симёгочлар ўрнига янгилари ўрнатилиши бошланди. «Бадавлат» кўчаси аҳолиси учун 500 метр ичимлик сув қувурлари келтирилди. Ат-Термизий кўчасини таъмирлашга киришилди. Суюлтирилган газ баллонлари келтирилди.

Биринчи кун охираммай 398 хонадон соҳибларидан 276 та муурожаат тушди. Муаммолар жойида ҳал этилапти. Элнинг дуоси олинмоқда.

— Кўёшли кунлардаёқ аҳолига кўмир етказишга қайғуришаётир, — дейди «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдуқаҳор Турғунов. — Қанча кўмир келтиришининг ҳисоб-китобини қиялпмиз. Ҳозир урин-сак, қишда қийналмаймиз. Ишчи гуруҳи ҳаммамизни жонсарақликка ундади. Юртдошларимизнинг кам бўлимоқда.

Ичимлик сув тўлови ҳисоб-китобидаги чалқашликни бартараф қилишга мажбурий ихро бюроси туман бўлими давлат инспектори Жавоҳир Азимов жалб этилди. Баъзи хонадонларда яшовчи фуқаролар сони ошириб қайда этилгани аниқланди. Масалан, Иқболдин Мадумаровнинг оиласи уч кишидан иборат. Хужжатда 7 киши ёзилган. Бу тўлов миқдори ошишига сабаб бўлмоқда. Қайта ҳисоб-китобдан кейин хато тўғриланди.

— 834 та хонадонимиз бор, — дейди «Миришкор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Раҳматжон Мамажонов. — Маҳалламизда «Обод қишлоқ» дастури асосида анча ишлар қилинмоқда. Ишчи гуруҳини кутиб ўтирмай, уйма-уй юриб, кўпчиликдан кўнгли сўраялмиз. Муаммолар аниқланыпти. Мисол учун, «Шакарчек» маҳалласида 110 ҳўжалик истиқомат қилади. Уйлардан, томорқадан зах сув чиқмоқда. Тегишли ташкилотлар мутахассислари билан муаммонинг ечимини топиш чоралари кўриляётир.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

БУГУН	Об-ҳаво маълумоти (°C)
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+28/+43
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+28/+43
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+27/+41
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+28/+43
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+26/+41
Тошкент шаҳри	+24/+40

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80, 233-38-55.

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida

0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba, shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 738, 6958 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 22:55.

Topshirilgan vaqti — 23:00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Toshkent XUDYOQULOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2030-7433

472010743006

Gazetaning elektron sahifasiga o'tish

uchun QR-kodni telefonningiz orqali

skaner qiling.

1 2 4 5 6